



19
(1493)-son
13-may
2021

Xabar

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEKNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSİYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ ЭНГ ЯХШИ МОТИВАЦИЯ

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯ ЙЎНАЛИШИГА ОИД ФАНЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИБ ЎҚИТИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБДА 10 МАЙ КУНИ ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА ТАРЗИДА ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.



2 ►

Учинчи ташаббус

ЎҚУВЧИПАР УЧУН МЕДИАСАВОДХОНЛИК

Аҳоли ўртасида медиасаводхонликни ошириш бўйича Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган медиалойиҳалардан бири – ўсмир-ёшлар учун медиасаводхонлик дарсларининг илк машгулоти бўлиб ўтди. Машгулот Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманининг 314-умумтаълим мактабида ююри синф ўқувчлари учун ташкил этилди.

Тренингни Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси, Марказий Осиё минтақасидаги MediaCAMP тадбири доирасида бўлиб ўтган “Эдотон-2021” медиалойиҳалар танлови галиби, Ўзбекистон журналистларни кайта тайёрлаш маркази медиа-тренер, журналист Муҳәйё Сайдова олиб борди.

Лойиҳа мазмун-моҳияти ўсмир-ёшларнинг медиасаводхонлигини оширишга, ахборот асрининг замонавий техника ва технологияларидан унумли ҳамда самарали фойдаланишларига, ахборот майдонларининг турлари, баззи ахборотнинг хатарли таъсиридан ҳимояланишни кўнгилмаларни шахсий тажрибада шакллантиришга қартилган.

3 ►



ERUR SEN SHOH, AGAR OGOSSEN SEN,
AGAR OGOSSEN SEN, SHOSEN SEN.

■ Электрон ҳукумат

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамили Ўзбекистон – 2030” Стратегиясинин тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан “Электрон рақамили имзо тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш ва “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонунга ўзgartirish киритиш бўйича берилган топшириклиари ижроси юзасидан бутун, 12 май куни Алоқа тархи музейида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини рivojlantirish vazirligiga, Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази “UNICON.UZ” фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” ҳамда тегишили ташқилотларнинг масъул ҳодимлари иштирокида Қонун лойиҳаларининг муҳокамаси бўйиб ўтди.

Йирилишни АКТ вазирлиги Электрон хизматларни рivojlanтириш бўйими бошлиғи Дишпод Мирзазев очиб, бугунги кунда кўнгли тизимлар Электрон рақамили имзони қўллаш орқали ишлаб чиқлаётгани, унинг очиқлигини, шу билан бирга хавфзислигини таъминлаш, аҳоли фойдаланганида қуладай ишлатишига эришиш каби фикрлари билан ўртуқлаши.

- Биламизки, “Электрон рақамили имзо тўғрисида”ги Қонун илк бор 2003 йил 15 декабрда қабул қилинган. Шу пайттара қанча ўзгаришлар, рivojланишлар бўлди. Ҳозирги кунга келиб, ҳар битта қонун тўғридан тўғри ишлатишни тақоюз этапти. Яъни замон талаби, тараққиёт, одамлар ёхтёжи, янги қабул қилинаётган қонунлар, қарор ва фармонлар эскиларини янгила, мукаммаллаштириб, бугунга мослаштириш кераклигини курсатяпти, – дейди йирилиша сўз олган “UNICON.UZ” дук электрон рақамили имзолари рўйхатта олиш маркази бошлиғи Нодир Парпиве. – Янги киритаётган таклифларимиздан бири бу – вақт штампи.

2 ►

ШАҲСИЙ КОМПЮТЕРЛАР ГЛОБАЛ БОЗОРИ

(2021 йил 1-чораги, млн.
дона, бозор улуши)

1. Lenovo – 24,0 (19,7 фоиз)
2. Apple – 22,0 (18,1 фоиз)
3. HP – 19,2 (15,8 фоиз)
4. Dell – 13,0 (10,7 фоиз)
5. Samsung – 9,7 (8 фоиз)

Бошқалар – 33,9 (27,8 фоиз)
Жами – 122,1 (100 фоиз)



Манба: STRATEGY ANALYTICS



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раис-лигига 6 май куни чет тилларини ўрганишни такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йигилиши бўлиб ўтди. Унда тизимдаги муаммолар атрофлича таҳлил қилиніб, устувор вазифалар белгилаб олинди ҳамда олий таълим тизимида мутахассислар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қартилди.

Пойтахтимиздаги Фалаба боғидаги амфитеатрда 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунига багиранланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Президент Шавкат Мирзиёев "Матонат мадҳияси" ёдгорлик маҷмусига гулчамбар қўйди. Давлатимиз раҳбари Хотира ва Қадрлаш кунига ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Гала-банинг 76 йиллиги билан барча фахрийларни, бутун халқимизни табриклиди.

Президент Шавкат Мирзиёев 10 май куни давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги ислоҳотлар натижадорлигига оид тақдимот билан танишиди.

2021 йил 11 май куни Олий Маҷлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев бошчилигига Ўзбекистон сенаторларининг Франция Сенати хузуридаги "Франция-Марказий Осиё" парламентлароро гурӯҳи раиси Э.Морей бошчилигига ушбу гурӯҳ аъзолари билан видеоконференцлақа шаклида учрашуви бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигига 12 май куни макроқитисодий вазият, ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича биринчи ярим йилликдаги устувор вазифаларга багишланган видеоселектор ўтказилди. Унда айрим тармом ва ҳудуд раҳбарлари яратиб берилган имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаётгани танқид қилинди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбirlari тўғрисида" ги қарор ҳамда "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг моддий таъминотини янада куҷайтийн чора-тадбiri тўғрисида" ги ва "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида" ги фармонлар эълон қилинди.

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ ЭНГ ЯХШИ МОТИВАЦИЯ



Маросимда Алоқа ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг идоравий мукофотларига сазовор бўлган соҳа ходим ва раҳ-

барлари онлайн тартибида иштирок этишиди. Марказий студияда эса уларни АКТ вазири Шухрат Содиков табриклиди.

– Эътибор ва эътироф инсонни янада яхши ишлашга ундаидиган мотивация, – деди вазир Шухрат

Содиков. – Анъанавий тарзда ҳар йили меҳнатда катта ютуқларга ёришган, ҳамкасларига намуна бўлиб ишлаётгандарга вазириликнинг идоравий мукофотлари бериб келинади. Карантин сабаби бу йилги тақдирлаш маросимини ҳам онлайн равишида ўтказилимиз. Шу синовли даврда алоқачилар бир зум бўлса да иш фаолиятларини тўхтатгандалий ўйқ. Соҳа корхона ва ташкилотлари барча йўналишларда тўхтосьиз фаолиятларни олиб боришиди. Албатта, бундай пайдада сиз – соҳа ходимлари фидойилик намуналарини кўрсатдингиз ва кўрсатяпсиз. Самарали хизматларингиз учун миннатдорлик билдираман.

Дастлаб, вилоятларда ташкил қилинган студияларда соҳа равнақи йўлида меҳнат қилаётган ходимларга идоравий мукофотлар тантанали равишида топширилди. Сўнгра марказий студияга таклиф қилинганларга АКТ вазири Шухрат Содиков вазириликнинг "Моҳир алоқачи", "Фахрий ёрлиқ" ва "Ўзқасбининг устаси" мукофотларини топшириди.

Маросим якунида меҳмонлар учун АКТга ихтиослаштирилган мактаб бўйлаб экскурсия ташкил қилинди.

Махмуд ТУРҒУНОВ, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК техник директори, "Моҳир алоқачи" фахрий унвони соҳиби:

– Бу йилги касб байрамимиз бир умр ёдимда қоладиган бўлди. Бир гурух алоқа ходимлари қатори менга ҳам Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг энг юксак мукофоти – "Моҳир алоқачи" фахрий унвони берилди. Корхонамида жами олти киши вазирлигимизнинг идоравий мукофотларига сазовор бўлди. Албатта, бундан fojyotda minnatdormiz. Эътибор учун вазирлигимиз ва корхонамида раҳбари ташаккур билдирамиз. Тақдирлаш маросимида билдирилган эзгу тилаклар бизни соҳа равнақи йўлида янада самарали меҳнат қилишга ундаиди, куч-куват берди.



Хуррам ШАКАРОВА, Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали кадрлар бўлим бошлиги, "Фахрий ёрлиқ" соҳибаси:

– Тақдирлаш маросимида вазириликнинг Фахрий ёрлигини олдётганимда меҳнат фаолиятим бирма-бир кўз олдимдан ўтди. Иш фаолиятимни 1982 йили Самарқанд шаҳар қурилиш таъмирлаш бўлимидаги оддий ишчиликдан бошлаганман. Сўнгра, 1983–2006 йиллар давомидаги вилоят статистика бошқармаси, "Агрокурилиш таъмирлаш" қўшма корхонаси, Самарқанд давлат архитектура-курилиш институтида кадрлар бўлимида турли лавозимларда фаолият кўрсатдим.

Меҳнат фаолиятимдаги энг қизғин даврим эса 2006 йилдан бошлаб бутунги кунга қадар ишлаб келаётган Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида ўтмоқда, десам адашмайман. Илм кишилари, талаба-ёшлар билан ишлап мароқли ва унтилмас лаҳзаларга бой.

Эътибор ва эътирофдан бошим кўкка етди. Барча соҳа ходимларини фурсатдан фойдаланиб, ҳайит айёми билан табриклайман.



1 ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Буни оддий тушунтиришга ҳаракат киламан. Электрон рақами имзо ҳам худди анъанавий имзодек юридик кучга эга ва у маълум бир муддатгача берилади, масалан, узоги билан бўйлача. Кейин кучини йўқотади. Имзо кўйилгандан ҳуҗжат эса архива турди ва 10–20 йил ўтиб, унга яна муроҳаат қилиб колиши ёхтимоли бор. Шундай ҳолатларда имзонинг қаён кўйилганинг тасдиқлари учун вакт штампни киритишга тўғри келади.

Шунингдек, йигилишда булатли технологиялар, электрон далолот (ионичи учинчи томон), электрон сертификат, ID-карта ичига ЭРИНинг ҳам бўлиши каби бўйича Конунга киритилиши на зарда тутилган лойиҳалар ҳам муҳокама қилинди.

– "Электрон ҳуқумат тўғрисида" ги Конун 2015 йил 9 декабрда имзоланган, 2016 йил 10 июндан кучга кирган. Унинг мақсади электрон ҳуқумат соҳасидаги муносабатларни тартиба солиш, – деди Электрон ҳуқумат лойиҳаларини бошқариш маркази директор ўрзисбосари Азиз Худаев. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октабрдаги "Раҳамли Ўзбекистон – 2030" Страгегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбirlari тўғрисида" ги Фармони билан "Электрон ҳуқумат тўғрисида" ги Конунга бўйича берган топшириклари иккиси юзасидан Конунга кўйидаги ўзгартирishlar киритилиши назарда тутилган лойиҳалар ҳам муҳокама ортаётганди.

Электрон ҳуқуматнинг асосий тамойиллари "шахсга доир маълумотларни химоя килиш" принципи билан тўлдирилди. Соҳадаги ваколатлари органнинг ваколатлари ҳамда Давлат органларининг электрон ҳуқумат соҳасидаги ваколатлари рўйхати кенгайтирилди. Кўшимча бта мозда киритилди.

Самимий руҳда кечган йигилишда деярли ҳамма фаол қатнащи. Конун лойиҳаси муҳокамаси савон-жавоблар ва таклиф-мулоҳазалар майдонига айланди. Бу кайсиз шир мазнода бутун түридан тўртисхонага қонунларга эхтиж ортаётганинг кўрсатди, десак ҳам бўлади.

Шоҳида ИСРОИЛОВА, "Xabar" мухобири

Эъзоз ва эътироф

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМЛАР ФАЙЗИ



Хар йили 7 май – Алоқачилар куни 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрами руҳи билан уйгуналашиб кетади. Бу йил Рамазон ойининг фазилатлари билан янада бошқача файзиёлик билан кечди. Байрамлар арафасида “Ўзбектелеком” АЖ ҳамда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фаргона филиали жамоалари сидқидилдан меҳнат қилаётганлар ҳамда фахрийлар эъзозландилар.

Шуни маннуният билан таъкидлаш керакки, “Ўзбектелеком” АЖ Фаргона филиали жамоаси биринчи чорақда қарийб 15 млрд. 800 млн. сўм даромад одди. Ўтган йили бу кўрсаткич 9 млрд. 255 млн. сўм бўйган. Ўсиш 171 физони ташкил этди. Соҳа юксалишига ўзининг салмоқли улушкини кўшиб келаётган 77 нафар ишчи-ходимга филиал Фахрий ёрликлари

ва бошлангич касаба уюшмаси кўмитасининг эсдалик совгалари топширилди. Шунингдек, 48 нафар фахрий холидан хабар олиниб, кўнгиллар обод айланди. “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фаргона филиалининг Фаргона шаҳар боғламаси жамоаси ҳам биринчи чорақда 210 млн. сўмлик соғ даромад олишига мусяссар бўлди. Бир гурӯҳ илғор, ташаббускор почтачи-

лар Фаргона шаҳар ҳоқимлигининг Фахрий ёрликлари ва филиалнинг совгалари билан тақдирландилар. Бундан ташқари, вилоят бўйича алоҳида ўрнак кўрсатиб ишлатётган 46 нафар ишчи-ходим ва 44 нафар фахрийга соҳада узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган, забардаст алоқачилар қаторида номи тилдан тушмай келаётган марҳум Устомоновнинг ўғли ўтқирбек Устомоновнинг 2 млн. сўмликдан зиёдлик совгалари топширилди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Хабар”нинг Фаргона вилоятидаги муҳбери



ФАОЛЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиалида 7 май – Алоқачилар касб байрами муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда вилоят алоқа соҳаси ривожига муносиб ҳисса кўшиб келаётган бир гурӯҳ фидойи ходимлар тақдирландилар.



Жумладан, Қамаши туман почта алоқаси тармолги “Кизил қишлоқ” алоқа бўлими бошлиғи Назарали Тошматовга Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг, Чироқчи туман почта алоқаси тармолгининг “Ғаллач” алоқа бўлими бошлиғи Нурмамати Имомкуловга “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг, Бешкент почта алоқаси тармолгининг “Файзиобод” алоқа бўлими бошлиғи Манзура Рўзиевага “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиалининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совгалари топширилди.

Тадбирда сўзга чиқканлар почта соҳасида кўлга киритилётган ютуқларда фахрийларимизнинг бой тажрибалари ҳам кўл келаётгани, янги марраларни забт этишида ўзига хос ҳаёт мактаби вазифасини ўтаётгани ва меҳнати муносиб рабтлантирилиб келинаётганини тўғрисида алоҳида тўхтадилар.

Шукрулло ЖАЛИЛОВ,
“Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали касаба уюшмаси кўмитаси раиси

ЭНГ ЯХШИ СОВФА – КИТОБ

UNICON.UZ – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази 7 май – Алоқачилар касб байрами муносабати билан хайрли ишга қўй урди. Марказ ўз фондидағи 350дан ортиқ китоблар ҳамда 6015дан ортиқ журнallарни Тошкент шаҳар Bilim ахборот-кутубхона марказига ҳади тариқасида топшириди.

Улар орасида бадиий ва техник адабиётлар, хорижий лугатлар (инглиз, француз, немис), Ўзбекистон Республикасида (1970 йилдан 2020 йилгача) чоп этилган журнallар ҳам мавжуд. Шунингдек, 634 дона Ўзбекистон Республикаси Конунчилик тўпламлари, юзга яқин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палатасининг



янгиликлари кутубхонага тақдим килинди.

Bilim ахборот-кутубхона маркази директори Ҳафиза Каримова бу эзгу иш учун чукур ташаккур билдириди.

Совфа қилинган китоблар албатта ўз китобхонларини топишига ишонамиш!

Севара САЙДУМАРОВА,
UNICON.UZ етакчи муҳандиси

Учинчи ташаббус

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН МЕДИАСАВОДХОНЛИК



У соатлик машгулотларда ўқувчилар медиа-тренерларинг “Медиа нима?”, “СПАМ ва унинг хатарлари” каби сессияларида, “Коммуникация”, “Бу дарахтда кай бирин менман?” номли интерактив машқлари ва “Мобил курилмада сифатли суратга олиши ўрганимиз” номли амалий дарсларида иштирок этишиди ҳамда узларини қизиқтирган барча саволларига жавоблар олиши.

– Уч соатда ўқувчилар чарочқ тифайли сессияларни тингламай кўйишида деб ўйлаган эдим. Ҳар ҳолда, педагог бўлганим билан, мен талабаларга дарс бераман, мактаб ўқувчиларига эмас. Бу икки аудитория ўртасида жуда катта фарқ бор. Талабаларим билим олишдан кўзлаган аниқ мақсади орқали дарсларга қизиқиши билдиради. Мактаб ўқувчиларининг кўпгина кисми эса билим олиш жараёнини мажбурият деб тушундилар, – дейди Муҳайё Сайдова. – Лекин тренингимиз давомида, болаларда бироз чарочқ бўлганилгига қарамай, дарсларни охиригача қизиқиши билан тингладилар. Айнича, кўл телефонни ёрдамида фотосуратга олиш жараённида жуда фаол иштирок этишиди. Ҳатто бázзилари, кўл телефонимизда деярли ҳар куни суратга тушмизу лекин техник имкониятлари ҳақида билмас эканмиз. Суратларга маъно бериш каби сир-синаотларни ўрганиш жуда қизиқарли экан, яна шу каби машгуллар билан мактабимизга кела оласизми, деган таклифларни билдиришиди. Тўғриси, жуда хурсанд будим. Демак, ўқувчи-ёшларимизда замонавий техника ва технологияларга нисбатан шунчаки қизиқиш эмас, чукур билим олиш истаги бор. Бу қуонарли ҳол.

Ўсмир ёшлар учун мазкур лойиҳа шархимизнинг бошқа мактабларида давом этди. Медиасаводхонлик дарсларига Тошкент шаҳри бўйича бо нафар тингловчини камраб олиш режалаштирилган. Илк машгулотда 20 нафар ўқувчи иштирок этиди. Юртимизда кечеётган пандемия шароити сабабли карантин талабларига риоз қилиш мақсадида тингловчилар аудиторияси 20 кишидан ортмаслиги лозим. Келгуси режада яна икки мактаб ва 40 нафар тингловчини медиасаводхонлик дарсларига жалб этиши мақсад қилиб олининган.

Умуман олганда, мамлакатимиз бўйича жами 120 нафар тингловчини мазкур лойиҳага жалб этиши режалаштирилган. “Эдотон-2021” танловининг илк иштирокчиси Фарғоналик журналист Шарифа Мадрахимова медиалойиҳага ҳаммуаллиф сифатида танлиб олинди. Айни пайдада Фарғона вилоятида лойиҳа бўйича ишлар қизғин кечмокда.

Зебо МИРЗИЁДОВА,
314-мактабнинг 9-синф ўқувчиси

Хотира – абадий, қадр – муқаддас



ТИНЧПИК УЧУН СИЗГА ТАШАККУР!

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан давлат ва жамоат ташкилотлари, ёшлар томонидан бутунги тинч ва осуда ҳәётимиз учун кўксини қалқон қилиб, фашизмга қарши мардонавор жанг қилган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронторти меҳнат фахрийлари, нуроний ота-оналар ҳолидан хабар олини, уларга меҳр-муруваттав кўрсатилди. Хусусан, узоқ йиллар алоқа ва ахборотлаштириши соҳасида меҳнат қилган қашқадарёлик уруш фахрийлари ҳам бу эзгу ишдан четда қолмади.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига нигора Қашқадарё вилоятини ҳудудий бошқармаси мутасаддилари, вазирлик тизимидағи корхона ва ташкилотлар раҳбарлари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари – Карши шаҳрида истиқомат қилаётган 96 ёшли Аҳмад бобо Жалилов, Чироқчи туманида яшовчи 98 ёшли Жўра бобо Ёдгоровлар хонадонларига ташриф буюриб, уларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатишди, совға-саломлар билан дилларини күшнуд этишиди.

Хурсандчиликдан кўнгли тог нуроний отахонлар шукро-

на сўзлар айтди. Уруш даврининг азобу укубатларини, бошдан кечирган воқеаларни эсга олди.

– Уруш даврини эсласам, сесканиб кетаман, кўнглим бузилди, – дейди Аҳмад бобо Жалилов. – Ҳаммаси даҳшатли. Биз урушни кўрдик, сизлар кўрманг. Мен ҳар куни дуога қўл очиб, тинчлигимиз барқарор, ҳәётимиз янада зиёда бўлишини Яратгандан сўрайман. Эътибор ва эъзоз учун барчадан миннатдорман.

Чироқчилик Жўра бобо Ёдгоров Курск, Беларус, Польша, Чехословакияни озод қилишда иштирок этади. Шафқатсиз урушда отахоннинг қанча-

дан-қанча сафдошлари ҳалок бўлди. Ўзи эса бир неча бор яраланди, даволангач, яна кўлига курол олди. Урушдан сўнг узоқ йиллар ҳалол меҳнати билан оила тебратди.

– Урушга кетганимда йигирма ёшли йигит эдим, – дейди бобо. – Беомон жанглар бўлди. Кўп курбонлар берилди. Ҳәёт завкини билмаган не-не азamat ёшлар нобуд бўлди. Фалабага эришиш осон бўлгани йўқ. Аммо ўртни босқинчиларга бериб кўймаганимизга шукр қиласман. Шукрда ҳикмат кўп. Шукрки, фарзанду невараларим, маҳалла-кўй, қўни-қўшинилар атрофимда парвона. Шифокорлар ҳолимдан хабардор. Рўзгорда, дастурхонда ҳаммаси етарли. Илоҳим, ҳәётимизга кўз тегмасин. Биз, кексалар давлатимизнинг доимий эътиборини кундалик ҳәётимизда сезиб турибимиз.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"ning Қашқадарё вилоятидаги мухбири**

ТАХРИИЯТДАН “Ўзбекистон почтаси” АЖ масъуллари томонидан бу каби тадбирлар Наманган вилояти, Янгижурғон тумани, “Искават” маҳаласида яшовчи 1924 йилда түгилган Топеолди Мадраҳимов, Сурхондарё вилояти, Денов шаҳрида яшовчи 1925 йилда түгилган Дусик Мередов, Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида яшовчи 1940 йилда түгилган Елезавета Шиллер каби Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хонадонларида ҳам ташкил этилди.

ҲАЁТ ЙЎПИНГИЗ ИБРАТ



“Ўзбектелеком” АК Тошкент филиалида кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш анъанага айланган. 7 май – Алоқачилар куни ҳамда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан бу анъана янада уюшқоқликда давом эттирилди.

Филиал раҳбарияти, Касаба уюшмаси қўймитаси ва ёшлар итифоқи бошлангич ташкилоти билан ҳамкорликда филиалдаги узоқ йиллик меҳнати билан соҳага катта ҳиссасини

қўшиб, ҳозирда нафақада бўлган 60 нафар соҳа вакиллари ҳолидан хабар олини ва уларга 14 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Маънавий ҳәётимизнинг ажралмас қисмига айланган бу каби тадбирлар орқали кексаларимиз ҳаёт йили, бой тажрибаси ёшларга ибрат бўлиши шубҳасиз.

**Абдумалик ЧОРШАНБИЕВ,
“Ўзбектелеком” АК
Тошкент филиали бўлим бошлири**

Доим қалбимиздасиз



ХОТИРА – ЭРТАНИ ЁРИТГУВЧИ НУР

Устоз... Ҳаёт тушунчаси пайдо бўлганидан бўён яшаб келаётган сиймо. Шу боис, азал-азалдан устоз-мураббийларга бўлган ишонч, ҳурмат-иззат ўзгачадир.

Юртошларимиз Хотира ва Қадрлаш кунида ўтганлар хотираси ва уларнинг жасоратлари, эзгу ишларини доимо ҳурмат билан ёдга оладилар. Биз билан ҳамнафас яплаётган фахрийларимиз, ногиронлар, бокувчинини йўқотган оиласалар ва умуман меҳримизга муҳтож кишиларга иззат-икром кўрсатилиб, уларга моддий ва маънавий кўмак берилади. Албатта, умри давомида ўзидан кўплаб яхшиликлар қолдирган, ҳалқнинг хизматида камарбаста бўлиб, фоний дунёдан риҳлат қилган ажоддларимизни элаштимиз барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздири.

Устозимиз Омон Мелиев ўзининг заҳматли меҳнатлари, илмий салоҳияти, сермаҳсул ишлари билан миллат қолбидан абадий ящайдиган, ҳаёт йили эса ёшлар учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қуладиган инсонлардан бирни ёди.

Зиёдилар оиласида таваллуд топган Омон ака 1974 йили Самарқанд давлат архитектура-курилиш институтининг имтиёзли диплом билан битирди. Аввалига мазкур институтда асистент, сўнгра 1975-1978 йилларда Москва муҳандислик-курилиш институти аспирантурасида ўқиб, номзодлик диссертациясини ёклиди.

1981-1987 йилларда Самарқанд давлат архитектура-курилиш институтининг катта ўқитувчиси вазифасида фолијатларини давом эттирган устоз меҳнатлари самараси ўлароқ доцент илмий узвонига сазовор бўлди. Орадан йиллар ўтиб, яъни 2005 йилда Омон Абдуллаевич Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали директори лавозимига ўтилди.

Омон Абдуллаевич салкам 35 йил давомида ўз исҳ тажрибасининг етук мутахассиси, талабаларнинг севимли устози бўлган. Шу йиллар давомида ёшларга таълим-тарбия бериш, уларнинг илмий тадқиқотларини кўплаб-куватлаш бўйича кўплаб илмий ишларни амалга ошириди. Қирқقا яқин илмий ишларга муаллифлик қилиди. Жонкуяр раҳбар сифатида эса филиали ҳар томонлама ривожлантириши билан борғлиқ ишларни ташкиллаштиришда ўзининг муносаби ҳиссасини қўзди.

Устоз Омон Мелиевнинг олиб борган кенг қамровли ишлари жамоат аъзолари ўртасида ҳануз юқсан эктиром билан ёдга олинади.

**Абдуғафур ХОТАМОВ,
“Хабар”ning
Самарқанд вилоятидаги мухбири,
Муҳлиса АҲАТОВА,
ТАТУ Самарқанд филиали талабаси**

ОБЗОР ЦЕНТРА ЭКОНОМИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ И РЕФОРМ: РАЗВИТИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ ЗА ЧЕТЫРЕ ГОДА

НАУЧНЫЕ СОТРУДНИКИ ЦЕНТРА ЭКОНОМИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ И РЕФОРМ (ЦЭИР) ЮРИЙ КУТБИДИНОВ И БАХТИЁР ИСМАИЛОВ ДЛЯ ИЗДАНИЯ "ГАЗЕТА.UZ" ПОДГОТОВИЛИ ИССЛЕДОВАНИЕ О РАЗВИТИИ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ.

ЭКСПЕРТЫ ПОЯСНЯЮТ, ЧТО В СОСТАВЛЯЮЩИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ ПРИНЯТО ВКЛЮЧАТЬ ЭЛЕКТРОННУЮ КОММЕРЦИЮ, СИСТЕМУ ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА, ВНЕДРЕНИЕ "УМНЫХ" ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОИЗВОДСТВЕННЫЕ ПРОЦЕССЫ, СФЕРАХ УСЛУГ СОЗДАНИЕ СИСТЕМ "УМНЫЙ ГОРОД", "БЕЗОПАСНЫЙ ГОРОД" И ДР. А ТАКЖЕ ШИРОКОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ "ИНТЕРНЕТА ВЕЩЕЙ".

Степень развития в стране цифровой экономики, которая на- прямую связана с уровнем развития информационно-коммуникационных технологий (ИКТ), принято оценивать различными показателями: доля цифровой экономики в ВВП, размеры инвестиций в отрасль ИКТ, скорость интернета, его покрытие территории страны и доступность для использования населением, уровень развития электронной коммерции, доля госуслуг в системе электронного правительства, обеспеченность организаций специалистами в области ИКТ и др. Кроме этого, важными являются показатели в международных рейтингах, оценивающих степень развития в стране информационных технологий.

"По многим из указанных показателей в Узбекистане в период с 2016 года достигнут значительный прогресс", — говорится в исследовании.

Так, валовая добавленная стоимость, созданная в сфере услуг в области "информации и связь" выросла с 2016 года в 2 раза с 4,4 до 8,8 трлн. сумов, а объем оказанных услуг по виду экономической деятельности "информация и связь" вырос в 2 раза с 6,3 до 12,9 трлн. сумов.

Развитию отрасли ИКТ способствовал рост объема инвестиций в основной капитал по виду деятельности "информация и связь", который в период 2016—2020 годов вырос в 4 раза с 1,2 до 4,8 трлн. сумов, в их числе объемы иностранных инвестиций и кредитов выросли в 2,5 раза с 0,8 до 2 трлн. сумов.

Динамично развивается телекоммуникационная инфраструктура, пишут эксперты. Почти в 3,8 раза с 17,9 до 68,6 тысячи км выросла протяженность проложенных волоконно-оптических линий связи, до конца 2021 года их протяженность планируется практически удвоить и довести до 118,6 тысячи км. Число базовых станций мобильной связи выросло в 1,8 раза с 17,7 до 31,7 тысячи единиц, только в 2020 году было установлено и запущено более 5600 новых телефонных станций мобильной связи.

Расширение сети базовых станций мобильной связи позволило создать условия для предоставления услуг (довести охват) мобильной связи для 98% населения страны, в том числе высокоскоростной связью до 90%.

Иследователи отмечают, что расширение сети станций мобильной связи происходит за счет установки новых станций, обеспечивающих работу сетей 3G/4G стандартов, а в Ташкенте реализованы также проекты по установке 15 базовых станций пятого поколения — 5G.

В целях создания собственной производственной базы и импортозамещения, в свободной экономической зоне "Джизак" при содействии Республики Корея был построен завод стоимостью 11 млн. долларов по производству оптико-волоконных кабелей мощностью 50 тысяч км кабеля в год, что позволит

обеспечить как внутренние потребности, так и поставлять кабельную продукцию на экспорт.

Количество абонентов мобильной связи с 2016 года выросло на 20% до 25,4 миллиона человек, а число пользователей интернетом — почти в 2 раза до 22,5 миллиона человек.

Ежегодно растет число установленных портов широкополосного доступа к интернету, которое обеспечивает абонентам непрерывное к нему подключение для передачи и приема информации на высоких скоростях, говорится в исследовании.

В 2020 году было установлено около 1 миллиона дополнительных портов, всего с 2018 года число портов выросло с 1,2 до 3,2 миллиона, а к концу 2021 года планируется довести данный показатель до 3,9 миллиона, что значительно расширит возможности для доступа абонентов проводной связи к широкополосному интернету.

К настоящему времени все детские сады, медицинские учреждения, а также более 8000 школ (80% от общего числа) получили доступ к высокоскоростному интернету. В 2021 году планируется обеспечить доступ к сети всех школ, а также махаллинских сходов граждан (около 10 тысяч сходов).


Росту числа пользователей мобильной связи и интернетом способствовало не только развитие инфраструктуры ИКТ, но и снижение стоимости за пользование интернетом при одновременном увеличении его скорости, отмечают исследователи. С 2016 года пропускная способность (скорость) международной сети передачи данных была увеличена почти в 22 раза — с 55 до 1200 Гб/с. При этом стоимость тарифов на интернет-услуги для провайдеров снизилась в 21 раз с 91,5 до 4,3 доллара за 1 Мбит/с.

В соответствии с постановлением правительства от 17 апреля компания "Узбектелеком" совместно с американской Winncom Technologies в нынешнем году реализует проект по модернизации центра пакетной коммутации на сумму почти 26 млн. долларов, что позволит расширить его пропускную способность до 1800 Гбит/с.

Выросла и скорость интернета для потребителей. С 2018 года скорость широкополосного интернета для абонентов выросла с 10,11 до 36,85 Мб/с, а для абонентов мобильного интернета с 9,97 до 13,89 Мб/с.

В 2018 году также был завершен полный охват населения цифровым телевидением, данный показатель в 2016 году составлял только 68%.

Созданы условия для развития электронной коммерции. В соответствии с постановлением президента от 14 мая 2018 года "О мерах по ускоренному развитию электронной коммерции", в целях стимулирования субъектов предпринимательства в сфере электронной коммерции создан Национальный ре-



естр субъектов электронной коммерции e-tijorat.uz.

В него на добровольной и бесплатной основе включаются юридические лица и индивидуальные предприниматели, у которых доходы от реализации товаров и услуг посредством электронной коммерции составляют не менее 80% от общего объема реализованных ими товаров и услуг. При этом они будут являться плательщиками единого налогового платежа по ставке 2%.

Узбекистан в международных рейтингах

"Стоит отметить успехи Узбекистана в международных рейтингах по оценке развития в стране информационных технологий. В данных рейтингах наряду с занимаемым местом указывается индекс, который учитывает сразу несколько параметров отражающих состояния развития данной сферы", — пишут исследователи.

Один из таких — Индекс телекоммуникационной инфраструктуры (Telecommunication Infrastructure Index — TII), который формируется на основании следующих показателей из расчета на 100 жителей страны: числа пользователей интернетом и стационарными телефонными линиями, а также абонентов мобильной связи, беспроводных широкополосных и стационарных широкополосных сетей. С 2016 года Узбекистан улучшил свои показатели по данному индексу с 0,246 до 0,472.

Индекс развития ИКТ (ICT Development Index — IDI), который последний раз составлялся Международным союзом электросвязи по итогам 2017 года среди 176 стран мира. Индекс IDI состоит из 11 статистических показателей, отражающих доступность к ИКТ, степень их использования и практические навыки применения ИКТ населением. В настоящее время разрабатывается новая методика составления индекса IDI. В последнем рейтинге индекса IDI Узбекистан поднялся на 8 позиций по сравнению с 2016 годом и занял 95-е место (индекс — 4,9) среди 176 стран мира.

Глобальный индекс кибербезопасности также составляется Международным союзом электросвязи и оценивает уровень обязательств государства в пяти сферах: правовые меры, технические меры, организационные меры,

развитие потенциала и международное сотрудничество. Узбекистан с 2016 года улучшил свои показатели в данном рейтинге с 0,1471 до 0,666 и поднялся с 93-го до 52-го места среди 175 стран.

Индекс мобильной связи составляется международной Ассоциацией операторов мобильной связи (или "Ассоциации GSMA"), в которую входят также все мобильные операторы Узбекистана. Индекс показывает степень развития и использования мобильного интернета. Индекс измеряет показатели в более 170 странах в сравнении с ключевыми факторами, способствующими внедрению мобильного интернета: инфраструктурой, доступностью, потребительской готовностью, контентом и услугами.

Индекс помогает отрасли мобильной связи определять, на чем следует сконцентрировать свои усилия, чтобы способствовать более широкому внедрению мобильного интернета. За последние четыре года Узбекистан улучшил свои показатели в данном индексе с 36,9 до 46,8 и приблизился к среднемировому значению в 50.

Индекс развития электронного правительства (E-Government Development Index — EGDI) составляется Департаментом по экономическим и социальным вопросам Секретариата ООН на основании показателей трех субиндексов: развития онлайн-госуслуг, телекоммуникационной инфраструктуры и развития человеческого капитала. По показателям данного индекса Узбекистан с 2016 года улучшил свою показатели с 0,54 до 0,67 и занимает 87-е место в рейтинге среди 193 государств.

В целях создания условий для получения гражданами государственных услуг в электронном формате в 2017 году в Узбекистане была запущена новая версия Единого портала интерактивных государственных услуг (Единый портал, ЕПИГУ — my.gov.uz), который является единой электронной платформой для доступа граждан и предпринимателей к получению госуслуг и необходимой по ним информации. В настоящее время количество видов услуг, предоставляемых на ЕПИГУ, достигло более 300 по 20 направлениям.

В перспективе планируется доведение доли государственных услуг, предоставляемых в электронном формате, до 60% к 2022 году и до 80% к 2025 году, а также поднятие к 2025 году до 50-го места в рейтинге Индекса развития электронного правительства.

СМАРТФОНЛАР

СМАРТФОНЛАР БРЕНДИ
ФАОЛИЯТИНИ ТҮХТАТДИ

2021 йилнинг апрелида LG компанияси смартфонлар ишлаб чиқарishни баттамон түхтатишни ёълон килганди. Унинг ортидан смартфонлар бозорини яна бир бренд тарк этмоқда — Vsmart (Ветнамнинг VinSmart бренди).



Хабарда айтилишича, Vingroup бор кучини электрокарлар ишлаб чиқаришга ташлайди ва Vinsmart электроника йўналишини ёпди. Ушбу бренд смартфонлари ва телевизорлари билан мони чиқарганди. Энди бу тарихга айланади.

Vingroup баёниготига кўра, бу компания учун жуда муҳим стратегик қарор бўлиб, мақсад Vinfast (электромобиллар бўлими)ни ўз соҳасида дунёдаги ёнг етакчи бренделардан бирига айлантиришади.

ФАЗО

КОИНОТГА САЁХДАТ
КИМОШДИГА ҚЎЙИЛДИ

Милиардер Жефф Безоснинг Blue Origin компанияси онлайн кимошди савдосини ишга тушириди. Голиб New

Shepard кемаси бортида йўловчи сифатида коинотга йўл олиши мумкин. Парвоз ёзният ўрталарига режалаштирилган, дейилади компания сайтида.

“New Shepard” кемаси 20 июл куни биринчи астронавтлар экипажи билан коинотга улади. Биз ушбу рейсда битта жойни онлайн-аукцион голибига тақдим этамиз”, — дейилади хабарда.

Хар бир истовчи 19 майга қадар Blue Origin веб-сайтидаги кимошди савдосида иштирок этиш учун ариза топшириши мумкин. Бунда иштирокчилар хоҳлаганча пул тикиши мумкин.

Дастлаб, маълумотлар сир тутилади. Аукцион иштирокчиларининг исмлари ва уларнинг таклифлари кимошди савдоси бошланганда — 19 май куни ёълон қилинади. Аукцион голиби 12 июн куни аниқланади.

ХАРДВЕР

ЭНГ ЯХШИ ХОТИРА
КУРИЛМАЛАРИ
АНИҚЛАНДИ

TechSpot нашри турили тоифа компьютерлар учун ёнг яхши SSD ёълда одам учун ёнг кераги ва қадрлиси бу, шубҳасиз, шахсий бошпанга, яъни ўй. Ва смартфон... Тадқиқотчиларга кўра, одамлар ўз смартфонларига шунчалик боғланниб колишишганни, унинг қадри ўйдан олам эмас. Энг кизиги, бу курилмани ардоқлаш бобида кексалар ёшлиардан асли ортда колаётганни ўй.

Ишлап самарадорлорига ёнг юқори SSD сифатида иккита ишланма ётириф этилди — Sabrent Rocket 4



Plus ёълда Samsung 980 Pro. Булардан биринчисида маълумот ўқиши тезлиги 7100 МБ/сония, ёзиш тезлиги эса 6600 МБ/сонияга тенг. Шу сабабли у мазкур саноатда иштепчиларга мўлжаллангангандаги SSD-диск деб тан олинган, Samsung маҳсулоти ёъл ўндан олишмайди.

Оддий шахсий компьютер фойдаланувчилари учун ёнг яхши SSD-сақлагачи сифатида WD Black SN750 модели тавсия этилган. “Ёнг яхши қаттиқ диск” номинациясида Seagate IronWolf NAS ётириф этилган. Ароён моделлар орасидан мутахассислар Seagate Barracuda туркумини тавсия этишмоқда.

ТАДДИКОТ

СМАРТФОН –
ИККИНЧИ ЙУИМ...

Моддий бойликлар орасида одам учун ёнг кераги ва қадрлиси бу, шубҳасиз, шахсий бошпанга, яъни ўй. Ва смартфон... Тадқиқотчиларга кўра, одамлар ўз смартфонларига шунчалик боғланниб колишишганни, унинг қадри ўйдан олам эмас. Энг кизиги, бу курилмани ардоқлаш бобида кексалар ёшлиардан асли ортда колаётганни ўй.

Лондон университети коллежи антропологлари Ирландидан Италиягача түккиз мамлакатди ёни улуғлар смартфонлардан қандай фойдалаништеганинни ўрганишиди. Бир йил давом этган таддиқот кўрсатишича, смартфон одамларга шунчаки эрмак эмас, балки муҳимлиги бўйича бошпанадан кам бўлмаган муҳим вазифани бажарувчи воситадир.

Кузатишлар смартфонлардан фойдаланиш одамлар ўртасида жонли мулокотлар тобора камайиб бораёттанини кўрсатмоқда. Бу барча ёш

тоифаларига тааллукли. Нега бундай — аниқ сабаби топилмаган. Эҳтимол ёълдан хамма гап кўпчилик WhatsApp каби тезкор мулоқот воситаларидан фойдаланнишни ўрганинг олганнадир? Одамлар ҳар қачонидан сермулоқот бўлиб кетишган, фақат юзма-юз эмас, онлайнда — кўчада XXI аср.

ИЛОВАЛАР

CLUBHOUSE ЭНДИ
АНДРОИДЛАРДА

2021 йилнинг бошида трендга чиқкан Clubhouse ижтимоий тармолидан хабарингиз бор — дастава ушбу илова iOS платформаси учун тақдим этилган эди. Энди унинг Android-талкини ёъл яратилиб, Google Play иловалар дўконида жойлаштирилди.

Скриншотлардан кўриниб турибди, андроидларга мўлжалланган Clubhouse иловасининг интерфейси iOS-талкинидан айтарли фарқ килмайди.

Clubhouse тармогида рўйхатдан ўтиш шартлари ўзгартмаган: аъзо бўлишининг учун сизга ушбу тармоқ аъзоларидан бири таклифнома жўнатиши лозим.




Кутлов!

■ Реклама ва эълонлар

“ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ” ДУК ЖАМОАСИ

Республикамиз аҳолисини
РАМАЗОНҲАЙИТИ
билин табриклайди.

Дуолар қабул бўладиган ушбу улуғ
кунда Яратгандан она заминимиз
ҳамиша тинч, элимиз шод, юртимиз
обод бўлишини сўраб қоламиз!



**Азиз юртдошлар!
РАМАЗОНҲАЙИТИ
барчамизга муборак бўлсин!**

Хонадонингиздан қўт-барака,
мехр-оқибат аримасин.
Қаабингиз имон нурлари билан тўлсин!

**“Ўзбектелеком” АК
ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ
жамоаси**

ТАНЛОВГА

ПОЧТАМИЗ ДУНЁ РЕЙТИНГИДА БИРИНЧИ БОТАПИККА КИРСА...

МЕН ЎЗ КАСБИМНИ ЖУДА ЯХШИ КЎРАМАН. ХАЁТДА НИМАГАКИ ЭРИШГАН БЎЛСАМ, ҲАММАСИ КАСБИМГА БЎЛГАН МУҲАББАТИМ, МЕҲНАТИМ ШАРОФАТИ ДЕБ БИЛАМАН. НАТИЖАДА ЗО ЁШИМДА ТУМАНДАГИ ПОЧТА АЛОҚАСИ ТАРМОФИ РАҲБАРИ ҲАМДА ДЕПУТАТ-ЛИККА МУНОСИБ КЎРИЛДИМ...



Фаолиятимни 2012 йил "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпогистон Республикаси Кенгаши қошидаги "Етакчи" ёшлар марказида координатор бўлиб ишлашдан бошладим. 2013 йилда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг иш юритувчиси, 2017 йилдан эса "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти Қорақалпогистон филиали Янги технологиялар бўлими бошлиги бўлиб ишладим. Ҳозирги кунда "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятининг Қорақалпогистон филиали Ҳўжали тумани почта алоқаси тармоғи раҳбари сифатида фаолият юритиб келяйман.

Бутунги кунда мамлакатимиз почта тизимини сифат жиҳатидан ўзгартиришга жийдий киришилди. Бунда асосий омил рақамли технологиялар бўлиб, у соҳа учун катта имкониятлар эшигини очди. Яъни нафақат анъанавий хизмат турларини ўзгартириш, балки янги бозорларни мувоффақиятли ривожлантириш имкони туғиди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги "Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида эндилида почта алоқаси обьектларида аутсорсинг асосида банк хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилиб, банк пластик карталарига почта алоқаси бўлимлари орқали тўлиқ хизмат кўрсатиш (карталарни маблаг билан тўлдириш, нақд пул ечиш, жисмоний шахсларни идентификация қилиш) тизими жорий этилди ҳамда 1 майдан "Аввал" тўлов тизими ишга туширилди. Республикаизмнинг камидаги мингта почта бўлумида, айнича, олис ва чекка ҳудудларида йўлга қўйилган бундай хизмат ахолининг узогини якин қилишда қўл келади.

Шунингдек, почта хизматнинг асосий бўғини ҳисобланган хат-хабар ташиб ва курерлик хизматларини ривожлантириш бўйича – почта жўнатмаларини қабул қилиш, саралашиб онлайн кузатиш имконини берувчи автоматлашган тизим ҳам ишга туширилди. Бундан ташқари, маҳаллий ҳамда хорижий компаниялар билан ҳамкорликда "якуний манзил" хизмати жорий этилди. Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар марказларига мижозларномига келган почта жўнатмаларини олишга мўлжалланган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи биттадан автоматлаштирилган комплекслар – "почтамат"лар жойлаштирилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотини онлайн сотиш ва мижозларга етказиб бериш, шунингдек, уларнинг товарларини экспорт қилиш имкониятини берувчи тизим яратилиб, миллий онлайн савдо майдончаси бўлган unisavdo.uz мобил иловасига тадбиркорлар шартнома асосида ўз маҳсулотларини жойлаштириш имкониятига эга бўлдилар.

Яна бир куонварли жиҳати, олис ва чекка ҳудудларда ҳам почта алоқаси обьектлари орқали ахолига 17 турдаги электрон ҳукумат хизматларини кўрсатишнинг йўлга қўйилгани бўлди.

Почта тизимида амалга оширилаётган бу каби туб ўзгаришлар яқин келажакда соҳанинг жадал ривожланниб, катта самародорлик кўрсатишига ишонамиз. Шу билан бирга, мамлакатимиз почта тизимининг ривожланиш индекси дунё рейтингидаги биринчи 50таликка киришига ўзим ҳам хиссамни кўшиш ниятидаман.

Қ.КАРИМХОЖАЕВ,
"Ўзбекистон почтаси" АЖ
Қорақалпогистон филиали
Ҳўжайли почта алоқаси
тармоғи бошлиғи

"Ўзбектелеком" АК ЖИЗЗАҲ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ Юртдошларимизни РАМАЗОН ҲАЙИТИ билин муборакбод этади.

Қадрли ватандошлар!

Аллоҳ барча эзгу,

НИЯТЛАРИМИЗНИНГ ИЖОБАТИНИ

БЕРСИН, БАЙРАМИНГИЗ

КУТЛУҒ БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноўбрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 49-бандига мувофиқ:

"ARS-INFORM" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) аризасига асосан теледастурлар тарқатиш тармоклари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2017 йил 30 майда берилган АА серия 0006172 рақамли;

"NEW LINE GROUP" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) аризасига асосан теледастурлар тарқатиш тармоклари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятта 2020 йил 3 июнда берилган АА серия 0006100 рақамли;

"EASYCOST ACTIVE SALES" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) аризасига асосан маълумотлар узатиш тармоклари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятта 2019 йил 6 августда берилган АА серия 0006956 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2021 йил 12 майдан тўхтатилди.

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудири:

"Гуманитар фанлар" кафедраси – 1.

Доцент:

"Мультимедия технологиялари" кафедраси – 1.

Катта ўқитувчи:

"Энергия таъминлаш тизимлари" кафедраси – 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичидаги қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 108-үй.
Тел.: 71-238-64-06.


ЎЗИМИЗНИНГ Абдусаид ака

УСТОЗИМИЗ АБДУСАЙД КЎЧИМОВ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 15 МАЙ КУНИ ТАБАРРУК 70 ЁШГА ТЎЛАДИ. АБДУСАЙД АКА 2006 ЙИЛНИНГ 21 ИЮЛИДАН ТО 2017 ЙИЛНИНГ 10 АВГУСТИГАЧА "ХАBAR" ГАЗЕТАСИГА БОШ МУҲАММЕДИРИЛК ҚИЛГАН.

Устоз бошчилигига шу йилларда газетанинг мазмун-моҳияти, кўриниши тубдан ўзгарди. Янги руқнилар, соҳага оид танловлар ташкил этилди. Газетада чоп этилган мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологияларига оид мақолалар мазмундорлиги янада ортди. Вилоятлардаги алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси янгиликлари тўғрисидаги қисқа хабарлар, соҳа фидойлари, ёш мутахассислар ҳаётни ва фаoliyatiга оид мақола, сухбат, фотолавҳалар кўпайиб, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга кўшаттган ҳиссалари мунтазам ёритилса бошланди.

Абдусаид ака меҳнат фаoliyatiга "Ўқитувчи" нашриётидан бошлаган. Болалар газетасида адабий ходим, бўлим мудири, масъул котиб, бош муҳаррир лавозимларида меҳнат қилган. "Шарқ юлдузи" журналида масъул котиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бўлим мудири, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот маркази раҳбари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси, "Тошкент" телерадиоканали бош директори вазифаларида самарали меҳнат қилган.

Серкирра ижодкорнинг биринчи китоби – "Кашфиётчи болалар" 1978 йили чоп этилган эди. Ўтган йиллар давомида "Менинг Ўзбекистоним" (1979 йил), "Тошбургут" (1981 йил), "Менинг юлдузим" (1984 йил), "Чаноқ" (1985 йил), "Халқа" (1987 йил), "Икки баҳор" (1990 йил), "Умид дарахтари" (1992 йил), "Киёфа" (1996 йил), "Есуман" (2000 йил), "Баланд тоғлар" (2002 йил), "Кўзларимнинг қароридасан" (2006 йил), "Муҳаббат болгари" (2008 йил), "Эл сув ичган дарёлар" (2009 йил), "Баҳор", "Киш", "Танланган асар-



лар" (2011 йил) номли насрый ва назмий китоблари турили нашриётларда чоп этилди. Адибининг "Баланд тоғлар" қисаси асосида тўрт серияли, "Бойчечак" ҳикояси асосида эса бир серияли бадиий фильмлар яратилган. "Халқа" ва "Ҳаёт ҳукми" номли китоблари Хитой Халқ Республикасида нашр этилган. Бир қанча ҳикоя, қисса ва шеърлари рус, украин, молдаван, турк ва бошқа жаҳон тилларига таржими килинган. Унга табиатни асрар-авайлаш мавzuидаги асарлари учун Халқаро ЮНЕСКО мукофоти, "Халқа" китоби учун Фафур Рулом номидаги мукофот берилган.

А.Кўчимов Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист унвони, "Шуҳрат" медали, "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланган. 1990-1994 йилларда Ўзбекистон Олий Совети депутатларига, 1994-1999 ва 1999-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларига сайланган. Шогирдларида меҳрибон, самимий инсон Абдусаид аканни муборак 70 ёши билан чин дилдан табриклаймиз. Қадрли устозимизга мустаҳкам соглий, юқсанк ижодий парвозлар тилаймиз!

"Xabar" газетаси
ижодий жамоаси

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Таҳрир Ҳайъати:
Шуҳрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Лутфулло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙУЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Таҳририята келган кўллэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланши мумкин.
Натримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганинги кўрсатилиши шарт
Газета саҳифаларини тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Вилойт
муҳбирлари:

Андижонда (74) 226-47-80
(99) 854-7305

Бухорода
жума куни
чиқади.

Газета "Ўзбекистон" нашриёт матбаа
уйи босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-үй.

V 4676 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қорғоз бичими А-3, ҳажми
2 босма табоб. Адади: 5760

МАНЗИЛИМИЗ:

10000, Тошкент шаҳри,
Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-йй
(Мўлжал Олий бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер
базасида териди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БўРИЕВ.
Навбатчи: Шоҳида ИСРОИЛОВА.



ISSN 2010-6424

Босишига топширилди — 17.00
Босишига топшириш вақти — 24.00



Абдусаид КЎЧИМОВ
ИСТИҚПОЛ ҚЎШИГИ

Юз ўиплик маломат ёмгири тинди,
Қафаслар бузилди, калтаклар синди,
Гулу гулзоримга баҳт қуши қўнди,
Эй дилим, истиқпол нуридан яйра!
Туроним яйра!

Не баҳтки, бек бўлдинг ўзинга ўзина,
Ўзинганини бўлди ҳар бўтакўзинг.
Айтганинг айтгандир, сўзингдир сўзинг,
Туркистоним яйра!
Туроним яйра!

Кўзингдан оқизмай бир томчи ёшинг,
Кишшанларни узди шердил юртбошинг.
Истиқпол уфқида балқди кўёшинг,
Туркистоним яйра!
Туроним яйра!

Энди ганимларинг гамга ботурлар,
Тўлқидек панада писиб ётуллар.
Оттанинг, Алломиши, Аваъботирлар!
Туркистоним яйра!
Туроним яйра!

Садоқатинг кўрсат ота маконга,

Ота маконингни кўрсат жаҳонга.

Жаҳон кучоқ очди ўзбекистонга,

Туркистоним яйра!

Туроним яйра!

МЕНИ ТУШУН

Мени тушун,

Азизам, тушун:

Номардлик ё алдов эмас бу,

Муҳаббат зул, муҳаббат оғу,

Муҳаббатнинг алами дого

Қўймалайди кўксимни бу кун,

Мени тушун,

Азизам, тушун.

Ўйламоқчи бўлдим сени кўп,

Қўйнамоқчи бўлдим сени кўп,

Бўйсингиди юрд додимга,

Бахтим менинг бўлмади бутун,

Мени тушун,

Азизам, тушун.

Қўллари кўр экан сөвегининг,

Сөвеги деган сўқир түйгунинг,

Тушунолмай эдо бўлдим мен,

Ўзга ёрдан меҳр кутдим мен,

Ул ё кулиб бокмади лекин,

Мени тушун,

Азизам, тушун.

Қўллари кўр экан сөвегининг,

Сөвеги деган сўқир түйгунинг,

Тушунолмай эдо бўлдим мен,

Ўзга ёрдан меҳр кутдим мен,

Ўзга учун мен сўйған кўлдуз,

Оҳ чекармиш кечоқ кундуз.

Оҳ чекаман жигар бағрим ҳун,

Мени тушун,

Азизам, тушун.